

Сўровнинг заҳри



19:20 / 12.04.2019 4204

Дилдора тадбирда ҳаммани оғзига қаратиб, йиғилганларга маъруза ўқиган аёл билан йўли бир эканини билиб, дили бир оз хира тортди. Табиатан одамови, одамлар билан тез чиқишиб кетолмайдиган Дилдора нотаниш аёл билан бўладиган савол-жавобни хаёлан тасаввур қилиб, юраги орқага тортди. Аммо у иложсиз эди. Аёл ортидан тез-тез юриб келиб, жилмайганча унинг қўлтиғидан тутди:

Таксида кета қоламизми, гўзал қиз?

Мен метрода кетмоқчи эдим. Ишхонам шундоққина метро бекатига яқин...

Унда юринг, мен ҳам сиз билан метрогача бораман.

Дилдора ичида: “Ёши катта аёл, ҳартугул, шахсий саволлари билан бошимни қотирмаса керак...” дея ўйлади. Бу ўй хаёлидан кечиб улгурмай,

аёл уни саволга тутди:

Ўқитувчимисиз?

Ҳа...

Филологияни битирганмисиз?

Ҳа...

Қайси йилда битирдингиз?

2001 йилда...

Фарзандларингиз нечта?

Дилдоранинг юраги қаттиқ санчиб, бошига оғриқ кирди. Яна ўша савол. Яна ўша оғриқ. Чеки йўқ изтироблар... Бир муддат оғзи қуруқшаб, тили сўзга келишмай қолди. Сўнгра базўр тилини ҳаракатга келтириб:

Фарзандим йўқ, – деди...

Бу пайтда жувоннинг кўзларида ёш айланарди. Қизиқувчан аёл эса жағи-жағига тегмай унга далда берар, таскин сўзларни гапирар, унинг овози Дилдорага узоқдан эшитилаётгандек, гапларини узуқ-юлуқ фаҳмларди...

Халқимиз ўзига яраша қизиқувчан. Бор-йўқ неки воқеа-ҳодиса бўлса ипидан игнасигача сўраб суриштирмаса кўнгли жойига тушмайди. Афсуски, баъзида бу одатимиз билан инсонларнинг дилини оғритиб қўямиз. Тап тортмай қавму қариндош, таниш-нотанишнинг ҳаётига аралашамиз. Баъзан саволларимиз оҳангида сўров-истакдан кўра таъна-маломат оҳанги яққолроқ сезилади.

“... Фарзандларингиз нечта?” Нотаниш кишига шу савол билан мурожаат қилишдан олдин кўнглингиздан “Балки фарзанди йўқдир ёки оила қурмагандир, балки фарзандига бирор кор ҳол бўлгандир, саволим билан ярасини тирнаб қўйсам-чи?”, деган ўйларни кечирганмисиз? Албатта, йўқ. Лекин саволингиз ярим кўнглини синдириши, баттар чўктириши, ҳатто бу қизиқувчанлигингиз билан гуноҳга ботишингиз ҳам мумкин.

Айримларимиз гапираётганимизда оғзимиздан чиқаётган сўзларнинг тош-тарозусини чамаламаймиз. Баъзан ўйламай айтилган сўз таъна ўрнига ўтиб кетиши ҳеч гап эмас. Яқинда шундай ҳолатга гувоҳ бўлдик. Уч-тўрт

кишилик даврада ажрашган аёллар ҳақида гап чиққанди, таниш эркак “Бола билан эрдан чиққан аёл тузук бўлардимми? Демак, яхши аёл эмас экан-да” деб юборди. Даврадаги аёллардан бирига бу гап маломатдай таъсир қилди.

Ҳаётда ҳар қандай воқеа бўлади. Бола билан эридан ажрашган аёлларнинг ҳаммаси ҳам ёмон эмас. Сиз моҳиятини ўйламай гапириб юбордингиз. Аёл киши ҳар қандай вазиятда оиласини асраб қолишга ҳаракат қилади. Ҳеч қайси аёл учун ажрашиш энг яхши чора эмас!..

Гарчанд аёл ичидаги гапларини тўкиб-сочган бўлса-да, ўйламай айтилган гапнинг ханжари қаттиқ санчилгани аён эди. Мен у эркакни зимдан кузатдим. Афтидан у бемаврид айтган гапидан хижолатда эди. Бироқ бу хижолатлик яраланган қалбнинг оғриғига малҳам бўлолмасди...

Кўпчилик бир оғиз савол ё бир жумла билан кемтик кўнгилни синдириб қўйганини сезмай ҳам қолади.

– Баъзан серсавол инсонларнинг қизиқувчанлигидан шунчалик безиб кетаманки, жаҳлим чиққанида “Сенга нима?” деб юборгим келади, – дейди таниш қиз. – Сал чеҳрамни очиб гапирсам “Турмушга чиққанмисиз?” деб сўрашади. “Йўқ” десам, тап тортмай “Вой, нега турмушга чиқмагансиз?” деб, камига ҳамдард қиёфада қараб туришади. Бировнинг шахсий ҳаёти билан бошқаларнинг нима иши бор? Айримлар ўз ташвиши қолиб, бошқаларнинг дарду ҳасратини муҳокама қилиш билан умрини совуриб юборади...

Ҳа, жуда ажойиб халқмиз. Танишми-нотанишми, қариндошми-бегонами ким бўлишидан қатъи назар, ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарсани билгимиз келади. Турмушга чиққанми, фарзандлари борми, эри ёки хотини нима иш қилади, қайнона-қайнотаси қандай одамлар, маоши қанча, эгнидаги либоси неча пул туради, тақинчоғини қачон, қайси дўкондан олган ва ҳоказолар... буни қарангки, шу қизиқишларимизни маънавий бойитадиган нарсаларга, мисол учун китоб, газета ёки журналларга сарф қилсак, бир-икки кунга етгулик эмас, икки дунёга етгулик маълумотларни олишимиз мумкин. Аммо бизга юқоридаги одат, яъни одамларнинг шахсий ҳаётига қизиқиш ва аралаштириш қулайроқ. Ажабо, шунчалик пастлаб кетганмизми?..

Мулоҳазаларимизни аниқ бир хулоса билан якунламадик. Чунки бу борада ҳали айтаримиз кўп. Аммо истагимиз, сўз билан, сўров билан бир-биримизнинг кўнглимизни заҳарлашдан Яратганнинг ўзи асрасин!

